

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.B.39.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

АБДУРАИМОВ ОЗОДБЕК СУЛТОНҚУЛОВИЧ

**ҚИЗИЛҚУМДА ТАРҚАЛГАН *TULIPA* L. ТУРКУМИ
ТУРЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
ЦЕНОПОПУЛЯЦИЯЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление авторефераата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдураимов Озодбек Султонқулович

Қизилкумда тарқалган *Tulipa* L. туркуми турларининг биологик
хусусиятлари ва ценопопуляцияларининг ҳолати..... 5

Абдураимов Озодбек Султанкулович

Биологические особенности и состояние ценопопуляций видов
рода *Tulipa* L. в Кызылкуме..... 21

Abduraimov Ozodbek Sultankulovich

Biological features and status of cenopopulations of the genus *Tulipa*
L. in Kyzylkum..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.B.39.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

АБДУРАИМОВ ОЗОДБЕК СУЛТОНҚУЛОВИЧ

**ҚИЗИЛҚУМДА ТАРҚАЛГАН *TULIPA* L. ТУРКУМИ
ТУРЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
ЦЕНОПОПУЛЯЦИЯЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/B59 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ботаника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.flora_fauna.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шомуродов Хабибулло Файзуллоевич
биология фанлари номзоди

Расмий оппонентлар:

Печеницын Владимир Петрович
биология фанлари доктори, профессор

Нигматуллаев Алим Магмирович
биология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация химояси Ботаника ва Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги DSc.27.06.2017.B.39.01 рақами Илмий кенгашнинг 2017 йил «27» ноябр куни соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Богишамол кўчаси, 232-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 262-79-38, e-mail: ibz@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (19-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Богишамол кўчаси, 232-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2017 йил «14» ноябр куни тарқатилди.
(2017 йил «14» ноябрдаги 4-рақамли реестр баённомаси)

К.Ш. Тожибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Б.А. Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Ф.О.Хасанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё амалиётида камёб ва йўқолиб бораётган турлар ҳимоясининг асосий стратегияси алоҳида муҳофаза қилинадиган худудларни яратиш орқали уларнинг яшаш жойини ҳимоя қилишга қаратилган. Охирги 10 йил давомида алоҳида муҳофаза қилинадиган худудлар 30 млн км² дан ортиқ майдонини эгаллаши биологик обьектларни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш борасидаги амалий ишларни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида камёб ва йўқолиб бораётган турларнинг ҳолатини баҳолаш уларнинг ценотик популяцияларининг замонавий ҳолатини тадқиқ қилишга асосланган. Бунда, уларнинг онтогенетик структурасини аниқлаш ҳамда организм ва популяцион белгиларни таҳдил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Белгилар йиғиндинсининг жамланмаси турларнинг экологик-фитоценотик оптимумида шаклланади ва бу табиий популяцияларни сақлаб қолишда муҳим аҳамият эга. Сўнгги йилларда арид минтақаларда ўсимликлар трансформациянинг ценопопуляциялар организм ва популяцион белгиларига салбий таъсири кузатилмоқда. Қизилқумда тарқалган *Tulipa* туркуми турлари бу каби жараёнлардан мустасно эмас. Қизилқумда тарқалган *Tulipa* туркуми турлари ценопопуляцияларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар ўсимликлар қопламида рўй бераётган ўзгаришлар билан боғлиқ айrim қонуниятларни аниқлаш имконини беради. Шу боисдан, Қизилқумда тарқалган *Tulipa* туркуми турлари ценопопуляцияларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш, уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва *ex situ* шароитида тирик коллекция яратиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач ўсимлик дунёси обьектларини инвентаризациялаш ва муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, камёб лола туркуми (*Tulipa L.*) аниқлаш ва сақлаб қолиш борасида муҳим натижаларга эришилди. Шу билан бирга, жумладан лола турлари популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш ҳамда табиий ўсиш шароитида муҳофазалашга етарлича эътибор қаратилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «атроф-муҳит ва генофондга таъсир этаётган муаммоларни бартараф этиш» белгилаб берилган. Бу ўринда, жумладан лола туркуми (*Tulipa L.*) турлари популяциялари ва улар инқизозига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, табиий популяцияларини сақлаб қолиш ҳамда *ex situ* шароитида коллекцияларини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ги Қонуни, Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сон «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида» ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсимлик популяцияларини замонавий ҳолатини баҳолаш, уларни *in situ*, *ex situ*, *quansi in situ* шароитида сақлаб қолиш, камёб турлар популяцияларининг барқарорлигини таъминлаш, уларнинг рўйхатини шакллантириш ва табиий ареаллари турли омиллар сабаб қисқариб бораётган турларни сақлаб қолишга қаратилган тадқиқотлар дунёning қатор илмий масканлари олимлари томонидан олиб борилмоқда (S. Volis & al. 2010, 2015; L.N. Joppa & al. 2011; M. Yang, 2013; J.S. Lefcheck & al. 2015; L.Wei & al., 2015). МДҲ мамлакатларида ценопопуляцияларнинг замонавий ҳолатини организм ва популяцион белгилар орқали баҳолаш В.А. Черемушкина, А.Ю. Асташенков (2009), Е.Б. Колегова (2010), Т.В. Леонова (2011), Е.М. Олейникова (2014), И.Н. Барсукова (2016) ва бошқаларнинг ишларида акс эттирилган.

Ўзбекистонда тарқалган *Tulipa* туркумининг ареаллари ва ўсимликлар қопламида тарқалиши бўйича маълумотлар Ўзбекистон флораси (1941), “Определитель...,” (1971), З.П. Бочанцева (1961, 1962), А.Х. Шарипов, Ў.П. Пратов (1997), Н.Ю. Бешко (1999, 2013), К.Ш. Тожибаев (2010, 2015), Ф.И. Каримов (2012, 2016) ишларида келтирилган.

Tulipa туркуми турлари популяцияларининг замонавий ҳолатини тадқиқ этишга бағишлиган тадқиқотлар олиб борилмаган, айниқса, уларнинг онтогенези ва ценопопуляцияларига оид маълумотлар адабиётларда учрамайди. Шунга кўра *Tulipa* туркуми турларининг онтогенезини ўрганиш ва шу асосида турлар ценопопуляцияларининг структураси ва типларини аниқлаш, ценопопуляцияларнинг ҳолатини баҳолаш, тарқалиши ва виталитет ҳолатини акс эттирувчи хариталарини тузиш, муҳофазага муҳтоҷ турларни табиий популяцияларини асраш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни *ex situ* шароитида сақлаб қолиш катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ботаника институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасасининг А7-ФА-0-16685 «Марказий Кизилқум ялов экосистемаларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш» (2012-2014), ФА-А7-Т005 «Чўлланиш жараёнида

Қизилқұм қолдиқ тоғлари камёб ўсимликлари ценопопуляцияларининг ҳолатини баҳолаш» (2015-2017) мавзуларидаги амалий лойихалар доирасыда бажарилған.

Тадқиқотнинг мақсади Қизилқұмда тарқалған *Tulipa* түркүми турлари ценопопуляцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш ҳамда муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқышдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қизилқұмда тарқалған *Tulipa* түркүми турларининг турли экологик-фитоценозларда тарқалишини анықлаш;

табиий шароитда онтогенез хусусиятларини анықлаш;

турларнинг мавсумий ривожланиш ритмини анықлаш;

ценопопуляцияларнинг онтогенетик структурасини ва типларини анықлаш;

организм ва популяцион белгилар асосида ценопопуляцияларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш;

ценопопуляцияларнинг тарқалиши ва уларнинг виталитет ҳолатини акс эттирувчи хариталарни түзиш;

ценопопуляцияларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши;

Қизилқұм чүл станцияси майдонида ўрганилған турларнинг коллекциясини ташкил этиш.

Тадқиқотнинг обьекти Қизилқұмда тарқалған *Tulipa* түркүмининг 4 тури: *Tulipa sogdiana* Bunge, *T. buhseana* Boisser (*Eriostemones* секцияси), *T. lehmanniana* Mercklin, *T. borszczowii* Regel (*Tulipa* секцияси).

Тадқиқотнинг предмети Қизилқұмда тарқалған *Tulipa* L. түркүми турларининг онтогенези, морфологияси, экологияси ва ценопопуляциялари хисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда геоботаник, морфологик, фенологик, биометрик, статистик ҳамда ГАТ хариталар түзишнинг замонавий усулларидан фойдаланилған.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қизилқұмда тарқалған *Tulipa* L. түркүми турларининг турли экологик-фитоценотик шароитларда 39 та ценотик популяциялари анықланған;

Tulipa түркүми турларининг онтогенез босқичлари анықланған;

Tulipa түркүми турларининг мавсумий ривожланиш ритми анықланған;

ценопопуляцияларнинг онтогенетик структуралари ҳамда ёш типлари очиб берилған;

организм ва популяцион белгилар асосида ценопопуляцияларнинг замонавий ҳолати баһоланған;

ценопопуляцияларнинг тарқалиши ва уларнинг виталитет ҳолатини акс эттирувчи ГАТ хариталари тузилған.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қизилқұмда тарқалған лола түркүми турларининг фенологияси ва популяцияларига доир маълумотлар республика ва халқаро лойихалари доирасыда лола түркүми турларини мониторинг қилиш, муҳофазалаш

фаолиятларида ҳамда турларни идентификацияловчи «Tulipa Recognized» дастурини такомиллаштиришда фойдаланилган;

T. lehmanniana ва *T. borszczowii* турларининг тарқалиши, экологияси, ценопопуляцияларининг демографик ҳолати, туплар сони, ареалининг қисқариши сабаблари ва турлар популяциясининг муҳофаза қилиш чоратадбирларига оид янги маълумотлар табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида қўлланилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»нинг навбатдаги нашри учун тақдим этилган;

Tulipa турлари табиий популяцияларининг муҳофазага муҳтожлигини инобатга олиб мазкур турларнинг *ex situ* шароитида коллекцияси яратилган;

тадқиқот обьектлари ценопопуляцияларининг тарқалиши ва виталитет ҳолати акс этирилган ГАТ хариталари тузилган ва шу асосда уларнинг муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда қўлланилган замонавий усуллар ҳамда илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, тадқиқотлар давомида йиғилган гербарий намуналарининг Марказий гербарийда (TASH) сақланаётганлиги, илмий ҳамжамият томонидан тадқиқотларимиз натижалари киритилган амалий лойиҳаларни тан олинганлиги, диссертация тадқиқотининг амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қизилқумда тарқалган *Tulipa* туркуми турлари ценопопуляцияларининг ҳолатини аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда баҳолангандиги, турларнинг онтогенезини тавсифланганлиги, онтогенетик структураларнинг аниқланганлиги, ценопопуляцияларининг баҳолангандиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ценопопуляцияларнинг тарқалиши ҳамда уларнинг замонавий ҳолатини акс этириувчи хариталарни тузиш, узоқ муддатли мониторинг тадқиқотларни олиб боришда бирламчи манба сифатида хизмат қилиш, ўрганилган турлар ценопопуляцияларини муҳофаза чора тадбирлари, тирик коллекциясини ташкил қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»нинг навбатдаги нашрларини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қизилқумда тарқалган *Tulipa* L. туркуми турлари биологияси ва ценопопуляциялари ҳолатини тадқиқ қилиш доирасида олинган натижалар асосида:

Қизилқумда тарқалган *Tulipa* туркуми турлари популяцияларининг замонавий ҳолати, тарқалиш хариталари ва муҳофазасига доир маълумотлар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2017 йил 9 ноябрдаги 03-01/12-5810-сон маълумотномаси). Натижалар *Tulipa* туркуми турлари популяцияларини ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқиши

имконини берган;

Қизилқумда тарқалған *Tulipa* туркуми турларининг популяциялари, фенологиясига ва биометриясига доир маълумотлар “Летопись Природы Евразии” лойиҳасида лола турлари популяцияларини баҳолаш ва сақлаб қолишида фойдаланилган. (Финляндия, Хельсинки университетининг 2017 йил 27 сентябрдаги маълумотномаси). Натижалар *Tulipa* туркуми турлари популяциялари ҳолатини мониторинг қилиш ва муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

Қизилқумда тарқалған *Tulipa* туркуми турлари бўйича олинган натижалар А-5-004 рақамили “Ўсимликларни идентификациялаш ахбороттаниб оловчи тизимининг дастурий-алгоритмик таъминотини ишлаб чиқиш” лойиҳасида *Tulipa* туркуми турларини идентификациялаш ва таснифлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 28 сентябрдаги ФТА-02-11/748-сон маълумотномаси). Натижалар *Tulipa* туркуми турларини морфологик ва биометрик белгиларни таҳлил қилувчи, гербарий намуналарини турлар бўйича таснифловчи ҳамда идентификациялаш учун хизмат қилувчи «*Tulipa Recognized*» дастурий воситасини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида мухокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Tulipa* L. туркуми айrim турларининг экологик-фитоценотик тавсифи» деб номланган биринчи бобида *Tulipa* L. туркуми бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг қисқача шарҳи, тадқиқот обьекти ва методлари ҳамда ценопопуляцияларнинг географик ва фитоценотик тавсифи

келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлими *Tulipa* туркуми турлари бўйича олиб борилган ботаник тадқиқотлар таҳлили натижаларига бағишлиланган. Туркум вакилларининг морфологияси, биологияси ва эмбриологияси ҳақидаги маълумотлар З.П. Бочанцева (1962), Р.Л. Шпак (1963), М.В. Баранова (1999), В.П. Печеницын (2008), М.М. Перегрим (2009), Е.А. Кобозева (2010) томонидан келтирилган. Ўзбекистонда туркумнинг тарқалиши ва манзарабоплигига доир маълумотлар Х.К.Бўриев (1995), А.Х. Шарипов, Ў.П. Пратов (1997), А.Ж. Ибрагимов (2008), Н.Ю. Бешко (2013), К.Ш. Тожибаев (2015), Ф.И. Каримов (2016), А.Р. Баташов (2016) ишларида баён этилган. Қизилқумда тарқалган *Tulipa* туркуми турларининг онтогенези, ценопопуляцияларининг ҳолати ва муҳофаза чоралари ҳақидаги маълумотлар илмий адабиётларда учрамайди.

Бобнинг иккинчи бўлимида тадқиқот обьекти ва методлари тўғрисида маълумотлар берилган. Тадқиқот обьектлари: *Eriostemones* секциясидан *Tulipa sogdiana*, *T. buhseana* ва *Tulipa* секциясидан *T. lemanniana*, *T. borszczowii* (Christenhucs et al., 2013). Турларнинг онтогенези Т.А. Работнов (1950), З.П.Бочанцева (1956), А.А. Уранов ва бошқалар (1976, 1988), ценопопуляция типлари А.А. Уранов, О.В. Смирнова (1969), ценопопуляциялар ҳолатини баҳолашда Л.Б. Заугольнова (1993, 1994) усулларидан фойдаланилган. Турнинг тикланиш кўрсаткичи даражаси А.Р. Ишибирдин (2004), қариш коэффициентининг даражаси Н.В. Глотов (1998) асосида аниқланган. Уруғларнинг унувчанлиги М.К.Фирсова (1959) ва З.П.Бочанцева методларида аниқланди.

Бобнинг учинчи бўлими ўрганилган ценопопуляцияларнинг экологик-фитоценотик тавсифига бағишлиланган. Тадқиқотлар давомида Қизилқумда тарқалган *Tulipa* туркуми турлари иштирокида жами 39 та ценопопуляция ажратилди. Ўрганилган ценопопуляцияларнинг географик координатаси, жамоаларнинг тур таркиби, тадқиқот ценопопуляцияларининг тарқалиши ва тупроғининг тавсифи келтирилган.

Диссертациянинг «Ўрганилган турларнинг онтогенези» деб номланган иккинчи бобида ўрганилган обьектларнинг онтогенези ёритилган. Онтогенез 7 та ёш ҳолатига ажратилган: *se* – уруғ, *p* – майса, *j* – ювениль, *im* – имматур, *v* – виргинил, *g* – генератив ва *s* – сенил.

Бобнинг биринчи ва иккинчи бўлимида *Eriostemones* ва *Tulipa* секциялари вакилларининг онтогенез босқичлари келтирилган.

se - мазкур даврда ўсимлик бирламчи тиним ҳолатида яъни уруғ кўринишида бўлади. Уруғларнинг асосий қисмини эндосперм ташкил қилади. Меваларнинг пишиб етилиши ва уруғларнинг тўкилиши даврида муртак ўлчамлари кичик бўлади. *Eriostemones* секцияси вакилларида 111,5-215,2 та, *Tulipa* секциясида 223,8-350 (470) тагача уруғ шаклланади. Уруғлар тўқ жигарранг бўлиб, уларнинг ўлчами 5,9-6,3 мм, 1000 та уруғнинг қуруқ массаси 3,45-6,1 г атрофига. Уруғларнинг тиним даври туркумнинг бошқа турлари каби эндогендир (Диденко, 2008).

p – уруғлар февралдан униб чиқади. Ушбу ёшда туркум вакиллари

узунлиги 16-33 мм гача бўлган ингичка шаклдаги бир дона уруғпалла барг ҳосил қиласди. Баргнинг эни 1-2 мм атрофида. Уруғпаллалари кенгайган, куртакни (пиёзчани) ўраб турувчи қинга эга. Гипокотиль яққол қўринмайди. Асосий илдиз шохланмайди, вегетация ниҳоясида унинг узунлиги *Eriostemones* секциясида 12-15 мм, *Tulipa* секциясида 15-30 ммга етади. Ўрганилган турларнинг барчасида вегетациянинг биринчи йилида бошқа илдиз шаклланмайди. Бочанцеванинг маълумотларига кўра (1956), лоланинг барча турлари ҳаётининг биринчи фақат битта уруғпалла барг ҳосил қиласди. Биринчи йилги вегетациянинг давомийлиги 35-60 кунни ташкил этади.

j - ўсимлик ҳаётининг иккинчи йилида туркум вакилларида дастлабки ассимляцияловчи ва пастки заҳираловчи барглар ҳосил бўлади. Ингичка яшил барг яланғоч, туксиз бўлиб, уларнинг узунлиги *Eriostemones* вакилларида 26-40 мм, эни 0,7-2,2 мм, *Tulipa* секциясида эса узунлиги 70-78 мм, энининг кенг қисми 1,5-3,0 мм ни ташкил қиласди. Ўсимлик мазкур босқичда 4-9 тагача қўшимча илдизчалар ҳосил қилиб, уларнинг узунлиги 8-19 мм ни ташкил этади. *T. sogdiana* ва *T. buhseana* ювениль тупларининг пиёзи тухумсимон шаклда, *T. lehmanniana* ва *T. borzszcowii* пиёзларининг узунлиги 10 мм, эни 4 мм гача боради. Вегетациянинг давомийлиги *Eriostemones* секциясида 45-70 кун, *Tulipa* секцияси вакилларида 57-80 кунни ташкил қиласди. Ювениль онтогенетик ҳолатининг давомийлиги 1 йил.

im – бу босқичда *T. sogdiana* ва *T. buhseana* турларида баргларнинг шакли ланцетсимон, уларнинг узунлиги 35-65 мм, эни 2-4 мм. қўшимча илдизчалар сони 7-13 тани ташкил қиласди. *Tulipa* секцияси вакилларида эса барглар етилган ўсимлик барглари шаклига кириб, уларнинг четлари бурмалashiши кузатилади. Баргларнинг узунлиги 95-105 мм, эни 4-7 мм гача боради. 9-14 тагача 20-30 мм қўшимча илдиз шаклланади. Ўрганилган турлар мазкур онтогенетик босқичда пиёзнинг узунлиги 10-17 мм, эни 7-10 мм бўлади. Ўсимлик тупроққа 55 дан 122 мм гача чуқурлашиб боради. Лолаларда столон икки вазифани бажаради: бир томондан у чуқурлашиш органи, бошқа томондан эса вегетатив кўпайиш органи ҳисобланади (Диденко, 2008). Бу босқичда 20-30 мм узунликда, 9-14 та қўшимча илдизлар ҳосил қиласди. Учинчи йили вегетациянинг давомийлиги 53-84 кунни ташкил қиласди. Имматур ҳолати иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда 1-2 йил давом этади.

v – туркум вакилларида бу босқич ўзининг юқори яшовчанилиги билан характерланади. Ушбу онтогенетик ҳолатдаги тупларнинг ер остки ва ер устки органларининг ўлчамлари генератив ҳолатдаги туплар каби бўлади. *Eriostemones* секцияси вакилларида бу босқичда баргларнинг четлари бурмалашади ва уларнинг столон ҳосил қилиши кузатилади. Баргларнинг узунлиги 80-120 мм, эни 6-10 ммни ташкил қиласди. *Tulipa* секцияси вакилларида барглар аниқ ифодаланган бурмаларга эга бўлиб, узунлиги 145-180 мм, эни 14-40 мм бўлади. Қўшимча илдизчалар сони 26-40 та бўлиб, узунлиги 40-45 мм ни ташкил қиласди. Пиёзлар йирик ва қаттиқ, узунлиги 20-35 мм, эни 15-20 ммга етади. Ривожланишнинг 4-5-йилларида вегетация жараёнининг давомийлиги 95-120 кун бўлиб, виргинил ҳолатининг

давомийлиги 4-11 йилни ташкил қиласи.

g – туркум вакилларида полициклик бошланғич новда ҳосил бўлиши гуллашгача бўлган онтогенетик ҳолатининг якуни сифатида хизмат қиласи. Қизилқум шароитида генератив туплар, йилнинг иқлим шароитларига қараб, март ойининг охири ва апрел ойининг бошларида гуллайди. Бу вақтга келиб *Eriostemones* секцияси вакиллари 2 та (*T. buhseana* баъзан 3 та) барг 1-7 (12) (*T. sogdiana* да 2 тадан ошмайди) гул ривожланиши кузатилади. Гулларининг ранги оқ, пасти сарик рангда бўлади. Гулкўрғоннинг ўлчами 20,4-29,0 x10,0-13,0 мм ни ташкил қиласи.

Tulipa секцияси вакиллари бу вақтда 4 (3) тадан баргга эга бўлиб, биринчи (куйи) барг юқоридагиларига нисбатан йирикроқ бўлади (190x35 мм). Генератив тупларда пиёзнинг диаметри 15-35 мм бўлиб, у қаттиқ қўнғир тусда, ички томони қалин туклар билан қопланган. Қўшимча илдизчалари сони 20-90 та, узунлиги 60-80 мм ни ташкил қиласи. Гуллари сарик, зарғалдоқ, сарғиш қизил, пасти қора. Генератив ҳолатининг давомийлиги *Eriostemones* секциясида 11-24 йил, *Tulipa* секцияси вакилларида 20-38 йил давом этади (1-расм).



1-расм. *T. buhseana* онтогенези

s – кўп ҳолларда бу босқич яққол кўзга ташланмайди. Қари тупларда гуллаш жараёни тўхтайди ва вегетатив усулда кўпайиш умуман кузатилмайди, имматур ва виргинил тупларда бу ҳолат кузатилади. Бироқ, бу ҳодиса баъзида ўсимликнинг ноқулай шароитга мослашиши билан боғлик бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда сенил тупларнинг ер устки қисми имматур тупларни эслатиб юборади. Бироқ улар пиёзларнинг ҳаётчанлиги ва қопловчи қобиқлари сонининг кўплиги билан яққол ажralиб туради. Бу даврда ўрганилган турларнинг нимжон пиёзларида 16-43 тагача қопловчи

қобиқлари шаклланган бўлиб, генератив давргача бўлган ўсимликларда уларнинг сони 5-7 тадан ошмайди. Тўлиқ ривожланиш цикли давомийлиги *Eriostemones* секцияси вакилларида 16-30 йил, *Tulipa* секциясида эса 30-43 йилни ташкил этади.

Бобнинг учинчи бўлимни турларнинг мавсумий ривожланиш маромига бағишлиланган. Унда йилнинг об-ҳаво шароитига боғлиқ ҳолда ўрганилган турлар ривожланиши фазаларининг давомийлиги таҳлил қилинган. Унга кўра *Tulipa sogdiana* вегетациясининг давомийлиги 118-126 кунни, *T. buhseana* 127-136, *T. lehmanniana* 126-139, *T. borszczowii* 123-140 кунни ташкил этади.


Диссертациянинг **«Ценопопуляцияларнинг онтогенетик структураси»** деб номланган учинчи бобида Қизилқумда тарқалган *Tulipa* туркуми турларининг онтогенетик структураси ва ценопопуляцияларнинг типлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Турларнинг биологик хусусиятларидан келиб чиқиб (уруғларнинг маҳсулдорлиги ва унувчалигининг юқорилиги, вегетатив қўпайиши) ўрганилган турлар учун характерли онтогенетик спектр чап томонлама ҳисобланади.

T. sogdiana онтогенетик структураси 3 хил типдаги спектрни ўз ичига олиши аниқланди: чап томонлама ($\# 1, 2, 4, 5, 6$), марказлашган ($\# 3, 8, 9$) ва бимодал ($\# 7$). *T. sogdiana* ценопопуляциялари онтогенетик структураларининг ўртача қиймати чап томонлама ва икки чўққили бўлиб, биринчи чўққи ювенил босқичга, иккинчиси эса генератив даврга тўғри келади. Мазкур ҳолат ценопопуляцияларда турнинг уруғ маҳсулдорлигини юқори эканлиги ва генератив босқичнинг давомийлигини узоқлиги билан изоҳланади. *T. sogdiana* ценопопуляциялари ўртача қиймати спектри характерли спектрга мос келади ва турнинг биологиясини акс эттиради. 1 m^2 майдонда ўртача 5,95 дан 73,7 тагача туплар қайд этилди.

T. buhseana ценопопуляциялари онтогенетик структураси чап томонлама ва марказлашган спектрни ўз ичига олади. *T. buhseana* онтогенетик структурасининг ўртача қиймати бир қиррали бўлиб, чўққи генератив тупларга тўғри келиши кузатилди. Онтогенетик структуранинг ўртача қиймати характерли спектрга мос келмайди. Бу тур ареалининг асосий қисми қолдиқ тоғларга тўғри келиши билан изоҳланади. Қолдиқ тоғларда эрта баҳорда вақти-вақти билан содир бўлиб турадиган сел оқими ёш ниҳолларни ювиб кетади. Бундан ташқари қолдиқ тоғлар эфемер ва эфемероидларга бойлиги билан Қизилқумнинг бошқа экотопларидан кескин фарқ қиласи ва бундан маҳаллий халқ унумли фойдаланиш учун эрта баҳорда чорва молларини айнан шу яйловларда боқишини афзал билишади. Бу ўз навбатида, ўрганилган тур майсаларини пайҳонланиш даражасини кескин оширади. *T. buhseana* онтогенетик структурасини ўртача қийматини марказлашган бўлишига яна бир сабаб уларнинг йирик харсанг тошлар орасида, тошлишагалли муҳитда ўсишидир. Уруғларнинг унувчалиги бундай муҳитда ҳар доим ҳам муваффақиятли бўлавермайди. Ценопопуляцияларда тупларнинг зичлиги 1 m^2 майдонда 3,15 - 17,25 тани ташкил этади.

T. lehmanniana ценопопуляциялари онтогенетик структураси чап томонлама ва марказлашган спектрга хос эканлиги қайд этилди. Чап

томонлама спектрли ценопопуляциялар *Artemisia* туркуми турлари ва *Peganum harmala* доминантлик қилган ўсимликлар жамоаларида кузатилади. Маҳаллий аҳоли томонидан шувокнинг ўтин сифатида чопилиши натижасида бўшаб қолган ерларда, шунингдек сурункали мол боқилган пайкалларда вужудга келган иккиласми ўсимлик қоплами таркибида лолалар ёш ниҳолларининг ривожланиши учун қулай шароит туғилади. Бундай худудларда тарқалган ценопопуляцияларда ювенил ёшли ўсимликлар микдори кескин кўпаяди. Аммо уларнинг асосий қисми шу ёш босқичида ёки имматур босқичида турли омиллар таъсирида нобуд бўлади (юқори ҳарорат, намгарчилик етишмаслиги, мол боқилиши). Марказлашган спектрлар эфемероидли – саксовулзор (№ 22), эфемероидли – сингренли – қандимзор (№23) хил ўтли-янтоқзор (№31) жамоалари таркибида шаклланиши аниқланди. Бу бир томондан эфемероидли бутазорлар ва янтоқзор яйлов хилларини қиши-баҳор мавсумида (лолалар вегетациясининг бошланиши) фойдаланиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ўсимлик жамоаларида баланд бўйли рақобатдош турларнинг кўплиги турнинг генератив давргача бўлган ёш босқичларини тезроқ ўташини таъминлайди. Генератив даврнинг узоқ давом этиши онтогенетик структуранинг марказлашишига олиб келади. Ценопопуляциялар онтогенетик спектрининг ўртаси (чўқининг юқори нуқтаси виргинил тупларга тўғри келади) характеристика мос келади (2-расм).



—♦— онтогенетик спектрининг ўрта қиймати —▲— min —■— max

2-расм. *Tulipa* турлари онтогенетик структурасининг ўрта қиймати

А.А.Уранов ва О.В. Смирнова классификацияларига кўра ўрганилган *T. borschczowii* ценопопуляциялари нормал ва тўлиқ аъзосиз (№35 бундан

мустасно). Сенил ҳолатдаги тупларнинг учрамаслиги унинг сукцессив ҳолати билан изоҳланади. *T. borszczowii* ценопопуляцияларининг онтогенетик структуралари чап томонлама ($\# 33, 34, 36$) ва марказлашган ($\# 35, 37, 38, 39$) типга мансуб. Чап томонлама спектр бир ёки чўққили. Ценопопуляцияларда ювенил тупларнинг кўплиги ўсимлик мўл уруғ ҳосил қилиши ва ҳудуднинг намлик билан таъминланганлигига боғлиқ. Қулжуктоғнинг шимолий этаклари ёғингарчилик билан таъминланиши ва атмосфера ёғинининг тупроқка шимилиши нұқтаи-назаридан (кумли ва қумоқ тупроқ) нисбатан мақбул ҳудуд ҳисобланади. Ценопопуляцияларда виргинил ёшли тупларнинг кўплиги ($\#36$), бир томондан ўсимликнинг уруғидан яхши кўпая олаётганидан далолат берса, иккинчи томондан ушбу онтогенетик ҳолатни қурғоқ ҳудудларда бошқа босқичларига нисбатан анча узокроқ давом этиши билан изоҳланади. Мазкур ценопопуляцияда виргинил даврдаги тупларнинг кўплиги, бу босқичнинг ўзидан олдинги босқичларига нисбатан узокроқ давом этиши билан изоҳланади.

Хар хил ўтли-шувоқзор ўсимликлар жамоасида имматур туплар сонининг кескин камайиб кетиши бир томондан мазкур ценопопуляцияда уруғдан кўпайишни бир меъёрда амалга ошмаганлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан ёш ниҳолларни майда шохли ҳайвонлар томонидан босилиши билан боғлиқ. Онтогенетик спектрда сенил тупларнинг паст кўрсаткичга эга бўлиши туркум вакилларининг ўзига хос биологик хусусиятларидан бири ҳисобланади (Баранова, 1999; Кобозева, 2010).

Турли экологик-географик шароитлардан ажратилган ценопопуляциялар онтогенетик структураларининг ўрта қиймати шуни кўрсатадики, онтогенетик структуранинг ўрта қиймати марказлашган ва икки чўққили (ювенил ва генератив туплар улуши юқори кўрсаткичга эга). Турли экологик-фитоценотик шароитлардан келиб чиқсан ҳолда ценопопуляцияларда тупларнинг зичлиги 1 m^2 да $2,85-17,7$, экологик зичлиги эса $4,07-22,42$ тани ташкил этади. Тур тикланиш даражасининг юқори қийматга эга бўлиши ценопопуляцияларда уруғдан кўпайиш бир меъёрда амалга ошаётганидан далолат беради. Ўрганилган барча ценопопуляцияларда қариш индексининг деярли ноль ($0-0,1$) қийматга эга бўлиши, тупларнинг аксарияти генератив давридаёқ нобуд бўлиши билан боғлиқ.

Диссертациянинг «**Ценопопуляцияларни ҳолатини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи боби ўрганилган турлар ценопопуляцияларининг ҳолатини баҳолашга бағищланган.

T. sogdiana организм ва популацион белгиларининг юқори қиймати Айдар-Арнасой кўли яқинидаги ҳар хил ўтли-ажрикли-шувоқзор жамоасида ажратилган ценопопуляцияда кузатилди. Кўлнинг яқинлиги ҳаво намлигини нисбатан юқори бўлишини таъминлайди ва бу ҳолат геофитларнинг ўсиб ривожланиши учун қулай шароит ҳисобланади. Бундан ташқари кўл ўзига хос терморегулятор ҳисбланиб, унга чегарадош ҳудудларда эрта баҳорда ҳавонинг кескин совиб кетишини олдини олади ва бу ўз навбатида эрта унган майсаларни совук уриб кетишидан асрайди. Организм ва популацион белгиларнинг энг қуий кўрсаткичлари Учқулоч аҳоли маскани атрофида ҳар

хил ўтли-шувоқзор (№3) ва Кўкдумалоқ ва Зеварда газ конлари мажмуаси ҳар хил ўтли-ковракли-шувоқзор (№4) жамоалари таркибида ўсаётган ценопопуляцияларда қайд этилди. Белгиларнинг паст қиймати биринчи ҳолатда ҳудудда чорва молларининг йил давомида тинимсиз боқилиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи ҳолатда газ конлари қидирув ишлари ва бевосита газ қазиб олиш жараёнининг ўсимликлар қопламига таъсири билан изоҳланади.

T. buhseana нинг организм ва популяцион белгиларнинг таҳлили ўрганилган ценопопуляцияларнинг бирортасида ҳам ушбу белгиларнинг максимал қийматининг мос келмаслигини кўрсатди. Кулжуктоғ ва Балиқлитоғ ҳудудларида эфемероидли-шувоқзор, равочли-шувоқзор ва ҳар хил ўтли-бутазор ўсимликлар жамоалари таркибида тарқалган ценопопуляциялар (№ 10, 11, 13) нисбатан оптимал ҳолатда эканлиги аниқланди. Қизилқумнинг жануби-ғарбий ва жануби-шарқий қисмида жойлашган Кулжуктоғ ва Балиқлитоғ этакларида турнинг вегетацияси февралнинг охири ва мартнинг бошларида бошланади. Бу даврда тупроқда намлик етарли эканлиги ва бу ҳудудларда Қизилқумнинг шимолий қисмларига нисбатан ҳаво ҳарорати бироз юқорилиги геофитларнинг ривожланиши учун ўта қулай шароит ҳисобланади. Тошли-шағалли тупроқлардан қайд этилган ҳар хил ўтли-шувоқзор (№20) ва ҳар хил ўтли-шувоқли-бутазор жамоасида (№21) ўсаётган ценопопуляциялар пессимал ҳолатда эканлиги аниқланди.

Организм ва популяцион белгиларнинг максимал қийматлари *T. lehmanniana* нинг ўрганилган ценопопуляцияларида ҳам мос келмади. Бироқ, танлаб олинган белгиларнинг қийматининг ҳолатига кўра Кулжуктоғнинг марказий ва шарқий қисмида тарқалган ҳар хил ўтли-шувоқзор (№25) ва эфемер-эфемероидли-шувоқзор (№26) ўсимликлар жамоаларини *T. lehmanniana* учун экологик-фитоценотик оптимум деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур ценопопуляцияларда организм белгиларнинг умумий қиймати 20-25 бални, популяцион белгилар қиймати эса 15-18 бални ташкил этиши қайд этилди. Белгиларнинг юқори қийматга эга бўлиши мазкур ҳудудларда чўл ўсимликлари учун намликнинг етарли эканлиги билан боғлиқ. Мазкур ценопопуляциялар ўсаётган ўсимлик жамоасида бир қатор тоғ флористик элементларининг ҳам кенг тарқалганлиги ҳудуднинг намлик билан таъминланганидан далолат беради. Аксарият ценопопуляцияларда (№ 22, 23, 27, 28, 29, 31) организм ва популяцион белгилар паст қийматга эга. Мазкур ценопопуляцияларда белгиларнинг умумий қиймати 19-20 баллдан ошмайди. Гипсли ва тош-шағалли экотоплар *T. lehmanniana* организм ва популяцион белгиларининг юқори бўлишига салбий таъсир этади (жадвал).

T. borszczowii организм белгиларининг максимал қиймати (5 балл) ҳархил ўтли-шувоқли-аралашбутазор, ҳар-хил ўтли-шувоқзор ва шувоқли-куёнсуяқзор ўсимлик жамоалари таркибидаги ценопопуляцияларда қайд этилди. Юқори ёғин миқдори ва қулай тупроқ шароити *T. borszczowii* вегетатив ва генератив органлар ривожланишига, хусусан, репродуктив ҳаракатчанлик, туплар биомассаси, ўсимлик баландлиги, баргларнинг ва гул кўрғон ўлчамлари кўрсаткичлари юқори бўлишини таъминлаган. Организм

Жадвал

Ценопопуляциялар белгилари қийматини балли баҳолаш шкаласи

Организм белгилар	Балл					Популяцион белгилар	Балл				
	I	II	III	IV	V		I	II	III	IV	V
<i>T. sogdiana</i>											
PX (%)	15.7-17.65	17.66-19.6	19.61-21.55	21.56-23.5	23.51-25.46	Туплар зичлиги, 1м ²	5.95-19.5	19.51-33.05	33.06-46.6	46.61-60.15	60.16-73.7
Туплар биомассаси, г	2.26-3.18	3.19-4.1	4.11-5.02	5.03-5.94	5.95-6.88	ТКД (%)	1.0-2.20	2.21-3.40	3.41-4.60	4.61-5.80	5.81-7.0
Үсимлик бўйи, мм	55.8-66.32	66.33-76.84	76.85-87.36	87.37-97.88	97.89-108.4	s - улуши(%)	0-1.19	1.20-2.39	2.40-3.59	3.60-4.79	4.80-5.97
Барг узунлиги, мм	56.1-67.04	67.05-77.98	77.99-88.92	88.93-99.86	99.87-110.8	g- улуши (%)	4.34-15.39	15.40-26.44	26.45-37.49	37.50-48.54	48.55-59.6
Гулкўрғон, мм	10.3-13.4	13.41-16.5	16.51-19.6	19.61-22.7	22.71-25.8	j-v - улуши (%)	32.72-45.17	45.18-57.62	57.63-70.07	70.08-82.52	82.52-95
<i>T. buhseana</i>											
Пиёз диаметри, мм	16.3-18.79	18.80-21.29	21.30-23.79	23.80-26.29	26.30-28.8	Туплар зичлиги, 1м ²	3.15-5.97	5.98-8.79	8.80-11.61	11.62-14.43	14.44-17.25
Туплар биомассаси, г	5.17-5.94	5.95-6.71	6.72-7.49	7.50-8.27	8.28-9.04	ТКД (%)	1-1.80	1.81-2.60	2.61-3.40	3.41-4.20	4.21-5.0
Үсимлик бўйи, мм	62.6-72.96	72.97-83.32	83.33-93.68	93.69-104.04	104.05-114.4	s - улуши (%)	0-2.42	2.43-4.84	4.85-7.26	7.27-9.68	9.69-12.12
Барг узунлиги, мм	72.7-93.20	93.21-113.70	113.71-134.2	134.21-154.7	154.71-175.2	g- улуши (%)	23.23-30.68	30.69-38.14	38.15-45.6	45.61-53.06	53.06-60.5
Гулкўрғон, мм	16.8-18.64	18.65-20.48	20.49-22.32	22.33-24.16	24.17-26	j-v - улуши (%)	35.56-43.16	43.17-50.77	50.78-58.38	58.39-65.99	66-73.6
<i>T. lemanniana</i>											
PX (%)	14.18-16.49	16.50-18.8	18.81-21.11	21.12-23.42	23.42-25.73	Туплар зичлиги, 1м ²	1.95-5.09	5.10-8.23	8.24-11.37	11.38-14.51	14.52-17.65
Туплар биомассаси, г	7.20-10.34	10.35-13.48	13.49-16.62	16.63-19.76	19.77-22.9	ТКД (%)	1-1.60	1.61-2.20	2.21-2.80	2.81-3.40	3.41-4.0
Үсимлик бўйи, мм	96.1-112.97	112.97-129.82	129.83-146.68	146.69-163.54	163.55-180.4	s - улуши (%)	0-2.40	2.41-4.80	4.81-7.20	7.21-9.60	9.61-12.03
Барг узунлиги, мм	74.6-96.24	96.35-117.88	117.89-139.52	139.53-161.16	161.17-182.8	g- улуши (%)	8.5-17.52	17.53-26.55	26.56-35.57	35.57-44.58	44.59-53.6
Гулкўрғон, мм	21.3-25.18	25.19-29.06	29.07-32.94	32.95-36.82	36.83-40.7	j-v - улуши (%)	36.56-47.35	47.36-58.15	58.16-68.95	68.96-79.75	79.76-90.5
<i>T. borszczowii</i>											
PX (%)	14.1-16.66	16.67-19.14	19.15-21.62	21.63-24.10	24.11-26.6	Туплар зичлиги, 1м ²	2.85-5.81	5.82-8.78	8.79-11.76	11.77-14.73	14.74-17.7
Туплар биомассаси, г	7.20-10.34	10.35-13.48	13.49-16.62	16.63-19.76	19.77-22.9	ТКД (%)	1.0-1.40	1.41-1.80	1.81-2.20	2.21-2.60	2.61-3.0
Үсимлик бўйи, мм	96.1-112.9	112.97-129.8	129.83-146.6	146.69-163.5	163.55-180.4	s - улуши (%)	0-1.75	1.76-3.51	3.52-5.27	5.28-7.03	7.04-8.77
Барг узунлиги, мм	74.6-96.24	96.35-117.88	117.89-139.5	139.53-161.1	161.17-182.8	g- улуши (%)	22.31-26.26	26.27-30.22	30.23-34.18	34.19-38.14	38.15-42.1
Пиёз диаметри, мм	23.8-25.45	25.46-27.11	27.12-28.77	28.78-30.43	30.44-32.1	j-v - улуши (%)	49.11-54.12	54.13-59.14	59.15-64.16	64.17-69.18	69.19-74.2


Изоҳ: РХ-репродуктив ҳаракатчанлик, ТКД-турнинг қопланни даражаси

белгиларнинг ўртача ва паст қийматлари олажинсли, шағалли ва қумлоқ тупроқларда тарқалган эфемероидли-шувоқзор, ковракли-шувоқзор, ҳар-хил ўтли-янтоқзор жамоалари таркибида аниқланди. Популяцион белгиларнинг таҳлили шуни қўрсатадики, “тупларнинг умумий зичлиги” ва “тупларнинг экологик зичлиги” каби белгилар ценопопуляцияларнинг “ёш туплар улуши” белгисига мос келади. Кулжуктоғ этакларида тарқалган ценопопуляцияларда туплар зичлиги ювенил тупларнинг мўллиги ҳисобига ўзининг максимал қийматига эгалиги қайд этилди. Генератив ва қари фракциялар улушкининг максимал ва юқори қийматлари тур ареалининг жанубий чегараларида, қумли ва қумлоқли тупроқларда ўсаётган ценопопуляцияларда аниқланди. Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда *T. borszczowii* учун экологик-фитоценотик оптимум қумли ва қумоқли тупроқларда тарқалган ҳар-хил ўтли-шувоқли-аралашбутазор (Кулжуктоғ популяцияси), ҳар-хил ўтли-шувоқзор ва шувоқли-қўёнсуяқзор (Арнасой популяцияси) ўсимлик жамоалари таркибида намоён бўлади деб ҳисоблаш мумкин. Организм ва популяцион белгиларнинг юқори қийматга эга бўлишига ва онтогенетик структураларнинг тўлиқ аъзоли бўлишига охирги икки ценопопуляцияларнинг тур ареали чегарасида жойлашгани аҳамиятсиз эканлиги қайд этилди. Бу ҳолат турнинг экологик ареали маркази айдар-арнасой сув ҳавзаси атрофига тўғри келиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Диссертациянинг «Турларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари» деб номланган бешинчи бобида Орол денгизининг қуриши ва унинг оқибатида Орол бўйи ўсимлик қопламидаги ўзгаришлар тўғрисида фикр юритилган. Охирги тадқиқотлар шуни қўрсатадики, псаммофит ва галлофит ўсимлик гуруҳлари петрофит ва пестроцвет турларни ўсимлик қопламидан секин аста сиқиб чиқараётгани кузатилмоқда.

Бу эса бир қанча, вегетацияси эрта бошланувчи ўсимликлар билан бирга, лолаларнинг популяцияси ва фенологиясидаги силжишга сабаб бўлмоқда. Табиий омиллардан ташқари ўрганилган турлар популяцияси ҳолатига яйловлардан тизимсиз фойдаланиш ва охирги йилларда ҳудудда олиб борилаётган кенг қамровли геологик қидирув ишларининг таъсири ортганлиги кузатилмоқда. Дунё тажрибалари шуни қўрсатадики, популяцияларни сақлаб қолишнинг самарали усулларидан бири муҳофаза қилинадиган ҳудудлар ва тирик коллекцияларни яратиш бўлиб, бу уларни табиатга реинтродукция қилиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган 8 тур, бир қатор эндем ва реликт турлар ҳамда ўрганилган турларнинг 12 ценотик популяциялари Қулжуктоғ тоғ тизмаси ва унинг этакларида тарқалганлигини инобатга олиб, Қулжуктоғ Ўзбекистон Республикасининг муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизимиға киритилиши тавсия этилган. Улардан 3 таси *T. lehmanniana* (“Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби” да 2 статус) ва 3 таси “Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби” га 1 статус билан киритилиши таклиф этилаётган *T.borszczowii* ҳисобланади (3-расм).



3-расм. Қизилқумда тарқалған *Tulipa* түрлары ценопопуляцияларининг ҳолати

Бобнинг иккинчи бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари баён этилган. Турли муддатларда сақланган уруғларнинг унувчанлиги лаборатория ва дала шароитида аниқланган. 12 ой муддатда (61,5 - 80,5 %) сақланган уруғларнинг унувчанлиги 6 ой муддатда (52 - 69,5 %), сақланган уруғларга нисбатан юқори эканлиги ва бу физиологик тиним даври билан боғлиқ эканлиги аниқланган. Худди шу ҳолат уруғларнинг дала шароитида унувчанлигига ҳам кузатилади (22,5 - 37,75 % мос равишда). Коллекция майдонида пиёзлари билан кўпайтирилган тупларнинг яшовчанлиги ўрганилди. *Tulipa* секцияси вакилларида кичик ва ўрта пиёзларига нисбатан йирик пиёзлар юқори яшовчанликка эга эканлиги аниқланди. Келгуси йили 90-95 % тупларнинг сақланиши ва 94-96 % ялпи гуллаши кузатилди. Ўртача ўлчамга эга пиёзларнинг яшовчанлиги 82-88 % ва кичик пиёзларда 78-82 % ни ташкил килади. *Eriostemones* секцияси вакилларининг сақланиши ва гуллашнинг кейинги йилларида сезиларли фарқ кузатилмади. Юқорида келтирилган натижаларни инобатга олиб, Қизилқум чўл станцияси майдонида *T. sogdiana*, *T. buhseana*, *T. lemanniana* ва *T. borsczowii* турларининг тирик коллекцияси яратилди.

ХУЛОСАЛАР

Қизилқумда тарқалған *Tulipa* L. түрларининг биологик хусусиятлари ва ценопопуляцияларининг ҳолати мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хulosалар тақдим этилди:

1. Ўрганилган турларнинг 39 та ценотик популяциялари аниқланган ва

уларнинг аксарият қисми турон флористик провинциясига хос бўлган шувоқзор формациялари таркибида тарқалган.

2. Табиий ўсиш шароитида барча лола турларининг онтогенези тўлиқ аъзоли ва оддий эканлиги аниқланди. Тупроқ ва иқлим шароитларига қараб, катта ҳаёт цикли *Eriostemones* секцияси вакилларида 16-30 йил, *Tulipa* секциясида эса 30-43 йил давом этиши қайд этилди.

3. Онтогенетик структура нормал, кўп ҳолларда сенил тупларининг йўқлиги ҳисобига тўлиқ эмас. Уларнинг аксарияти (54%) чап томонлама, характерли онтогенетик спектрга мос келади ва турнинг биологик хусусиятларини акс эттиради. Маълум ценопопуляциялар онтогенетик спектрининг характерли спектрдан оғиши яшаш шароитининг экологик-фитоценотик шароитлари билан боғлиқ.

4. Ценопопуляцияларни баҳолаш уларнинг аксариятини ёш ҳолатда эканлигини кўрсатади. Тикланиш индексининг бирдан юқори бўлиши турларнинг мувафаққиятли уруғ янгиланишидан далолат беради. Қариш индексининг деярли нолга teng қиймати кўплаб туплар онтогенезнинг генератив давридаёқ нобуд бўлиши билан изоҳланади.

5. *Tulipa* турларининг ҳеч бир ценопопуляциясида организм ва популяцион белгиларнинг максимал қиймати мос келмайди. *T. sogdiana* ва *T. buhseana* учун экологик-фитоценотик оптимум тоғолди гипсли тупроғи ва қолдиқ тоғларнинг тошли-шағалли тупроқларига мослашган ҳар хил ўтли-ажриқли-шувоқзор, эфемероидли-шувоқзор, равочли-шувоқзор, ҳар хил ўтли-бутазор каби ўсимлик жамоаларида, *T. lehmanniana* ва *T. borszczowii* турлари учун эса қумли ва қумлоқли тупроқда ўсуви ҳар хил ўтли-шувоқзор, эфемерли-эфемероидли-шувоқзор ва шувоқли-қуёнсуякзор каби ўсимлик жамоаларида шаклланади.

6. Ценопопуляцияларнинг тарқалиши ва виталитет ҳолатини акс эттирувчи харита тузилди ва бу ўрганилган ценопопуляцияларнинг ҳолати борасида узоқ муддатли мониторинг тадқиқотларини олиб борища бошланғич манба сифатида тавсия этилади.

7. Қизилқум чўл станцияси майдонида *ex situ* шароитида *Tulipa* L. турларининг табиий популяциялари генофонди коллекцияси яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.В.39.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БОТАНИКИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ИНСТИТУТ БОТАНИКИ

АБДУРАИМОВ ОЗОДБЕК СУЛТОНКУЛОВИЧ

**БИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ И СОСТОЯНИЕ
ЦЕНОПОПУЛЯЦИЙ ВИДОВ РОДА *TULIPA* L. В КЫЗЫЛКУМЕ**

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/B59.

Диссертационная работа выполнена в Институте ботаники.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.flora-fauna.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Шомуродов Хабибулло Файзуллоевич
кандидат биологических наук

Официальные оппоненты:

Печеницын Владимир Петрович
доктор биологических наук, профессор
Нигматуллаев Алим Магмирович
кандидат биологических наук

Ведущая организация:

**Джиззакский государственный
педагогический институт**

Защита диссертации состоится «27» ноября 2017 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.B.39.01 при Институте ботаники и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100053, г. Ташкент, ул. Богишамол, дом 232. Актовый зал Института ботаники. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 262-79-38, e-mail: ibz@academy.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ботаники (зарегистрировано за № 19). Адрес: 100053, г.Ташкент, ул. Богишамол, дом 232. Тел.: (+99871) 289-04-65.

Автореферат диссертации разослан « 14 » ноября 2017 года.
(реестр протокола рассылки № 4 от «14» ноября 2017 года)

К.Ш. Тожибаев

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

Б.А. Адилов

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

Ф.О. Хасанов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике основная стратегия сохранения редких и исчезающих видов растений направлена на охрану их местообитания путем создания особо охраняемых природных территорий. В последние 10 лет особо охраняемые природные территории охватили 30 млн. км², что обуславливает необходимость усовершенствования дальнейших практических работ по охране и целесообразному использованию биологических объектов.

Во многих странах мира оценка состояния редких, уязвимых видов основана на исследовании современных состояний их ценотических популяций. При этом особое внимание уделяется выявлению онтогенетической структуры и анализу ряда организменных и популяционных признаков. По совокупности всех этих признаков устанавливается эколого-фитоценотические оптимумы видов, которые имеют большое значение в сохранении их природных популяций. В последние годы в аридных зонах наблюдается негативное влияние трансформации растительности на организменные и популяционные признаки ценопопуляций видов. Виды рода *Tulipa* L., распространенные в Кызылкумах, не являются исключением из подобных процессов. Научные результаты, полученные при оценке современного состояния ценопопуляций видов рода *Tulipa*, позволяют выявить некоторые закономерности, связанные с происходящими изменениями в растительном покрове. В связи с этим, оценка современного состояния ценотических популяций видов рода *Tulipa* произрастающих в Кызылкумах, разработка мер их охраны и создание живой коллекции в условиях *ex situ* является одним из актуальных вопросов сегодняшнего дня.

С обретением независимости нашей республики, особое внимание уделялось на инвентаризацию и защите объектов растительного мира. На основе программных мер, осуществленных в данном направлении, достигнуты значительные результаты, в том числе, по определению и сохранению редких видов рода тюльпана (*Tulipa*). Вместе с этим, в том числе, на оценку современного состояния популяций видов рода тюльпан и охрану их в естественных местообитаниях не уделялось достаточное внимание. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечено «предотвращение проблем, действующих на генофонд и окружающую среду». В этом отношении, научные исследования, направленные на определение популяций видов рода *Tulipa* и факторов действующих на их состояние, сохранение естественных популяций и создание коллекций в условиях *ex situ* имеют важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан №409

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

“Об охране и рациональном использовании растительного мира” от 21 сентября 2016 года, Постановлением Кабинета Министров № 142 “О программе действий по охране окружающей среды Республики Узбекистан на 2013-2017 годы” от 27 мая 2013 года и Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

